

# **Аллоҳ ўзини кўз-кўз қилмаган бандасини яхши кўради**



**Аллоҳ ўзини кўз-кўз қилмаган бандасини яхши кўради**

Ислом

07:36 / 15 декабрь 1014

Соиб ибн Ақраъ розияллоҳу анҳу халифа ҳазрати Умарга Наҳованд жангига шаҳид бўлган кишиларни санади. У таниқли, кўзга кўринган кишиларнинг исмларини бирма-бир айтиб бўлиб, сўнгра деди:

– Қолганлар чекка қишлоқлардан. Амирул мўминин, сиз уларни танимайсиз.

Шунда Умар розияллоҳу анҳу йиғладилар ва:

– Умарнинг танимаслиги уларга зарар бермайди. Чунки уларни Аллоҳ танийди, - дедилар.

Имом Заҳабий раҳимаҳуллоҳнинг «Сияру аъла мин нубало» китобида келади: «Ҳорун Рашиднинг қўшинида йигирма минг мужоҳид ўз номини Аллоҳдан ўзга ҳеч ким уларни билмаслиги учун қўшин китобига ёздирмас, маош ҳам олмас эди».

Гапнинг боғлиқлик томонига келсак, Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу қатл қилинган пайтда Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу сахрода туяларини боқиб юрган эдилар. У кишининг олдига ўғли келди. Саъд розияллоҳу анҳу уни узоқдан кўргач, дедилар:

– Аллоҳим! Бу чавандознинг ёмонлигидан Сендан паноҳ сўрайман.

Фаросатлари ила чопарнинг ёмон хабар олиб келаётганини сезганлар. У етиб келгач, қарасалар, ўғли экан. У Саъд розияллоҳу анҳуга деди:

- Сиз туяларингиз билан юраверинг. У ёқда эса одамлар подшоҳликни талашиб ётишибди (яъни ўғли Саъд розияллоҳу анҳуни халифаликка тарғиб қиляпти).

Саъд розияллоҳу анҳу дедилар:

- Жим бўл! Мен Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Аллоҳ таоло тақводор, бой ва махфий бандасини яхши кўради», деганларини эшитганман.

Махфий banda бошқалардан ўзининг ёмонликларини яширганидек, яхшиликларини ҳам яширади. Faқатгина ўзи билан Аллоҳ биладиган махфий амали бўлади.

Сиз қиладиган садақани инсонлар билиши керак эмас. Риё амалларни ботил қиласди. Гарчи кишида риё бўлмаса-да, садақа бераётгани шахснинг қалбига озор етказиб қўйиши эҳтимоли бор. Кишиларнинг қалбини тўлдириш эса, уларнинг чўнтагини тўлдиришдан олдинда туради.

Қиладиган ҳар бир яхши амалингизни ҳужжатлаштириб қўйишингиз шарт эмас. Нафсингизга ҳам озроқ дам беринг. Бу ишларни ёзиб қўйишини Аллоҳга қолдиринг. Модомики, муҳлис экансиз, У зот амалингизни зое қилмайди.

Дин ишининг ҳисобини Аллоҳ қиласди. Амалимиз остида ихлос бўлса ажр, риё бўлса, азоб бор... Аллоҳ ҳеч нарсани зое қилмайди.

Солиҳлардан бири айтади: «Яширин мукофотлар яширин амалларгадир».

Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайдиган касаллигимизга Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайдиган садақа билан шифо сўрайлик.

Қалбингизда ин қуриб олган, Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайдиган ғамга Ундан ўзга ҳеч ким билмайдиган истиғфор билан нажот истанг.

Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайдиган ташвишларингизга фақатгина Аллоҳ биладиган тунги икки ракат намозингиз билан кенгчилик сўранг.

Ризқингиз тор бўлса, кишиларга айтиб юрманг. Иффатли бўлинг. Аллоҳга яширин истиғфор айтинг. Буни ҳеч ким билмасин!

Ёдингизда тутинг! Умарнинг билмаслиги сизга заар бермайди. Зеро, Аллоҳ сизнинг барча ҳолатингизни билиб турибди!

У Зот ўзини кўз-кўз қилмаган бандасини яхши кўради.

**«Набавий тарбия» китоби асосида тайёрланди**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 7 мартағи 03-07/1506-рақамли ва 2023 йил 24 мартағи 01-07/1959-рақамли хуносалари асосида тайёрланган.